

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўзини сессиясида халқ депутатлари Аму-дарё район Кенгаши иқроия комитети раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келган Р. Йўлдошев Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси этиб сайланди.

ХАМДУСТЛИКДА

Тулада ўтган кунги ушбу вилоят маъмурияти билан Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақида битим имзоланди. Унга кўра республикада Тула вилоятига жўнатилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳолодильниклар, компрессорлар ўрнига Ўзбекистон кир юзиш воситалари, юк ташйидган мотороллерлар, синтетик каучук, кўйма чўян, тасмали конвейерлар ва бошқа маҳсулотлар олади.

ХОРИЖДА


Бугун Финляндия пойтахти Хельсинкида Европада Хавфсизлик ҳамкорлик бўйича кенгаш очилди. Икки кун давом этаётган бу кенгашда 51 давлат раҳбарлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов ҳам иштирок этипти.



Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

№ 134 (8. 076) 1992 йил 9 июль, пайшанба Нархи 2 сўм.

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар



12-автокортон Тошкент шаҳридаги курилмада юк ташини хизматини кўрсатади. Қад ростлаётган биноларнинг нечоғлиқ тезроқ фойдаланишга топширилиши темир тулпор суворийларнинг ҳай-ҳаракатлари ҳам боғлиқ.

Тошкент шаҳар Кенгашининг сессияси олдидан

БЮДЖЕТНИНГ АСОСИЙ ЖИХАТЛАРИ

Бугунги кунда иқтисодий сиёсатининг асосий жиҳатлари шарт-шароитларида шаклланиб бораётган бўлиши билан бюджетнинг асосий жиҳатлари тўғрисидаги масала энг муҳимларидан бири бўлиши таъмин қилинмоқда.

Корхона ва ўқувчилар билан солиқ сиёсати масалалари юзасидан олинб борилаётган ишлар натижасида давлат даромадлари бўйича биринчи ярим йиллик режаси 113,7 фоиз қилиб бажарилиди.

Мотивий соғломлаштириш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар биринчи ярим йилликда маҳаллий бюджетнинг кўшимча равишида 114 миллион сўмлик даромад билан тўқинчи йилнинг берди.

Чорраҳа

ПОЙТАХТИМИЗ жаҳондаги энг йирик шаҳарлар қаторига кирди. Шаҳримиздаги қорхона, ташинлот, муассасаларга тегишли бўлган ва шахсий машиналарнинг эса сонига етиб бўлмайдиган.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА АЖРАТИЛДИ

ТОШКЕНТ тўқимачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси тейинги вақтда бозор иқтисодиёти муносабати билан қўйлаб хайрли ишларни амалга ошироқда.

БЎШ ЎРИНЛАР ЎРНИГА

БЕКТЕМИР районда халқ депутатлари район Кенгашидаги бўш ўринлар учун сайлов ўтказилди.

ҲУҚУҚИЙ МАВЗУДА

Хулудда жинсий ҳақиқат-ҳаракатларнинг олдин олинб мақсадида ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳодимлари томонидан фуқаролар ўртасида турли хил тадбирлар ўтказилди.

Забихида МУҲАММАДЖОНОВ, ҳуқуқшунос.

ПОЛЬШАДА ЎЗБЕК ДҲКОНИ

ЎЗБЕКISTONNING хориж билан илмий, иқтисодий ва маданий алоқалари ҳар томонлама кенгайиб бормоқда.

МУСИҚА БАЙРАМИ

«МАДАНИЯТ академияси» — рамзий маъно касб этган бу бора истадодли ижодий жамоанинг қамолотини таллола бериб турибди.

ШАҲАР ТРАНСПОРТИ МУАММОЛАРИ

1 ИЮЛДА шаҳар транспортининг ҳамма воситаларида хизмат ҳақи кўтарилди.

БИР СЎМЛИК ПАТТА

Бу жавабдан қонингда 3-трамвай-троллейбус паркиннинг директори Сертев Абдуғаффорга кўнгирик қилдик.

МУТАХАССИСЛИККА ТАВСИЯНОМА

ШУ ЙИЛНИНГ бошида Ўзбекистон Маданият жамағатини қолдира Туркия маданият маркази ўз фаолиятини бошлаган эди.

ҲАЙДОВЧИЛАРНИНГ ИСТАКЛАРИНИ ИНОБАТГА ОЛИБ

Олмонга бориб қолгандек ҳис қиласан, киши. Тагин ҳам Давлат автомобил назади қорхона, ташинлот, муассасаларга тегишли бўлган ва шахсий машиналарнинг эса сонига етиб бўлмайдиган.

Дуққат, танлов! ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

Илгари хабар қилганимиздек «Тошкент оқшом» газетаси тахририяти «Универстрой» қўшма корхона хомийлигида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган «Тошкент ва тошкентликлар» таловини эълон қилди.

Биринчи ўРИН УЧУН — 3 МИНГ СЎМ; ИККИНЧИ ўРИН УЧУН — 2 МИНГ СЎМ; УЧИНЧИ ўРИН УЧУН — 1 МИНГ СЎМ.

Фотожурналистлар ва фотохаваскорлар учун алоҳида талов эълон қилинди. Талов голларини қуйидаги пул муқофотлари кутади:

Биринчи ўРИН УЧУН — 3 МИНГ СЎМ; ИККИНЧИ ўРИН УЧУН — 2 МИНГ СЎМ; УЧИНЧИ ўРИН УЧУН — 1 МИНГ СЎМ.

Таловга шу йил 31 августда яқун ясалди. Таловга юборилган материаллар 2 интервалда 7 бетдан ошмаслиги лозим. Фотожурналистлар қоргозда: камиди 12x18 сантиметр ҳажмида бўлиши керак.

Республикамизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси-нинг ташкил топишга ҳақ соҳиб оғ бўлди. Янги тузилган партия шу қисқа вақт ичида бирмунча ижобий ишларни амалга оширди. Бугунги кунда ХДП сафига қабул қилиш борасида қандай ишлар олиб борилади? Бу партия ташкилотлари ҳақда янги йўлда нимга қилишмоқда. Масалани оқдрилиқ юртимиз мақсадида биз Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сергели район кенгашининг биринчи котиби Ёқутзон Исҳоқова билан мулоқотда бўлдик.

— Дарҳақиқат, ХДП ўтган йилнинг ноябидан бошлаб фаолият кўрсатаётган бўлсада, унинг ишини йўлга солиб олиш ҳаммамиз учун ҳам осон кечгани йўқ. Масалан, биргина Сергели районини оладиган бўлсак илгари, яъни коммунистик партия даврида 5 эрим минг атрофида партия аъзоси бор эди. Мана шулардан 23 фозини бевосита ўз вақтининг ўзидаёқ 800 нафар янги аъзолар қабул қилинди. Албатта бунга ижобий қараш керак. Аммо бу борада баъзи бир қийинчиликлар ҳам келиб чиқди. Масалан, райондаги кўп йиллик партия аъзоларининг ХДПга киришишлари жуда қийин келди. Шунингдек, қорхона ва ташкилотларда ҳам кенг тушултириш ишлари олиб боришга тўғри келди. Бу вақтда бизнинг 13 нафар буюр аъзоларимиз бор эди. Янги партияга жалб қилишда ва одамлар орасида тарғибот ишларини олиб боришда уларнинг ҳам хизмати катта бўлди.

— Ёқутзон Азизовна, маълумки, кўп жойдаги компартия бошланғич ташкилотлари ўз фаолиятини тугатди. Бу борада районда қандай ўзгаришлар бўлди?

— Илгари районимизда компартиянинг 130 та бошланғич ташкилотлари бор эди. Янги партия дастурини қабул қилган, уларни ҳам қайтадан кўриб чиқишга тўғри келди. Ҳозирги кунда районда ҳаммаси бўлиб 75 та бошланғич партия ташкилотлари фаолият кўрсатаяпти. Бу бошланғич ташкилотлар қисқартирилди, энди кўпаймайдиган дегани эмас. Уларнинг сонини янгидан партияга аъзо бўлаётганлар ҳисобига кўпайтирармики. Шу ўринда бир нарсага алоҳида тўхталиб ўтмоқчи эдим. Коммунистик партия даврида нимагадир ўқитувчилар ва тиббиёт ходимларини партияга қабул қилиш жуда суст бўлган экан. Вақоланки, улар орасида партияга ўтмоқчи бўлганлар жуда кўпчилигини ташкил қилган. Чунки улар ижтимоий-сиёсий аъзотини теран ағлаб етдиган зейли кишилардир. Шунинг учун ҳам янги партия сафига ўтиш учун улар-



ЗАВОД конвейеридан чиқётган тайёр маҳсулот ҳар жихатдан бекум қўлини билан бир қаторда белгилаётган мейёрлар тизини — ГОСТ талабларига ҳам жавоб бериши лозим. Шундангина буюртмачи минг ҳаракат қилмасин — барбир қилдан қийиқ топа олмайди.

СУРАТДА: «Ўзбексельмаш» заводининг катта устаси Абдуғани Музаевнинг, цех бошлиғи Саидмурод Маҳкамбоевлар маҳсулотнинг ГОСТга нечоғлиқ мос-мос эмаслигини текширишмоқда.

М. Болтабоев сурати.

* ХДП: район кенашлари фаолиятидан ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИМИЗДА

дан жуда кўп вақт арзлар тушмоқда. Баъзи бир тиббиёт муассасаларида бошланғич партия ташкилотлари ҳам тузилди. Жумладан, 15-шифохонада, стоматология поликлиникасида, туғруқхонада, шунингдек, кўш нурига қарши мосламалар тайёрлаш заводига ҳам бошланғич партия ташкилотлари ўз фаолиятини бошлади. Ҳозир бу ташкилотларнинг ҳар бирини 35 тадан 100 нафаргача партия аъзолари бор. Хуллас, ўтган олти ой мобайнида ХДП ўз йўналишига тўла эътибор берди, десак хато қилмаймиз. Партия сафига ўтиш ҳозир ҳам жуда яхши кетаёпти. Масалан, сўнгги икки ой давомида район бўйича 56 киши ХДПга ўтиш учун истаб билдирди ва улар партияга қабул қилинди.

ХДП Сергели район кенгашида бошланғич партия ташкилотлари котибларининг кенгаши тузилган. Кенгаш аъзолари ҳар 15 кунда тўпланиши, район миқёсидаги ва ХДПдаги янгиликлар, ўзгаришлар билан танишишди. Илгиларимизда Тошкент Сивастунослик ва бошқарув институтидан ҳам мутахассисларни тақлиф қилиб турмиш, масалан, сўнгги 3 та йилгиликми «Парламент» партияси қандай бўлиши керак? мазсурида ўтказилди, уларда сивастунос Алла Каримова иштирок этди. Бундай йиғилишлар албатта ҳар бир партия аъзосининг ижтимоий-сиёсий онгини оширади, уларни ҳаётий масалаларни теран таҳлил этишга ўргатади.

— Мана бугунги кунга келиб иқтисодий аҳолининг қай даражада бориб етгани ўзингизга маълум. Шундай экан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ХДП район кенгаши қандай хайрли ишларни амалга оширмоқда?

— Ҳақиқатан ҳам бугунги иқтисодий аҳолининг оғирлиги ҳар бир оилага ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шунингдек, қорхона ва ташкилотлар маълум қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Ҳозирги кунда бизнинг ташкилотимиз ҳисобига 23-24 минг сўм атрофида бадал пули йиғилди. Албатта бу кўп эмас. Биз ҳам иккинчи даражада келиб чиққан ҳолда баҳоли қудрат қишларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга ҳаракат қилаёмиз. Айниқса Наврўз байрами арафасида бир қанча хайрли ишларни амалга оширди. Масалан, шаҳар болалар жамғармаси билан биргаликда ўзлари етимиликда ўсиб оила қурган ёш оилаларнинг бир нечтасига тикув машиналарини совға қилдик. Шунингдек, «Ўзгариш» ва «Қумқўрғон» маҳаллаларидаги 3 нафар оочор оилга умумий қиймати 38 минг сўмлик мебеллар комплектини топширдик. Бу биринчидан. Иккинчидан илгари кўп вақт олиб қўйилган, аммо ҳозирги кунда обморинида иштирокчи бўлган магнитофонлар, кодоскоплар, динопрокторлар, фильмскоп ва кинопроекторларни мактаб ва болаларга совға тариқасида бераёмики.

Бундан ташқари ҳозирги кунда кўпчилик қорхона ва ташкилотларда шатлар қисқирishi натижасида одамлар ишдан бўшатилмоқда. ХДП район ташкилоти бу борада ҳам салмоқли фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир ишдан бўшган одамни назардан кочирмай, лозим бўлса меҳнат бижмаси қорхона ва ташкилотлар билан боғлиқ, уларни ишга жойлаштиришга ҳаракат қилаёмики. Бу ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялашга олиб борилаётган тадбирларимиздан биридир.

— Келгусига мўлжалланган режалар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Албатта ҳар қандай ташкилотнинг ҳам ўз иккинчиси ва заруратидан келиб чиққан ҳолда эртанги кунги режаси бўлиши табиий ҳол. Бизнинг ҳам олдинкига кўйган режаларимиз бисёр. Ҳозирда 3 та худудий партия ташкилотимиз бор. Эндиликда яна 10 та маҳаллада бошланғич ташкилотларни тузишни режалаштирармики. Хуллас, асосий мақсадимиз кўп илгари халқларимиз ўрғасида тиңлик-тотувликни таъминлаш турмуш тарзининг янада яхшилашида ўзинингнинг муносиб ҳиссамини қўшишдан иборат.

Субботдош Мухиддин БОЗОРОВ.

ЖАЗИРАМО саратоннинг тафтини тўро, ўлкамизга айни ишчилик дари кириб келди. Шаҳримиздаги деҳқон бозорларининг беҳисоб расталари турли чеккалардан пешма-пеш етиб келаятган мева-сабзавотлар, полид маҳсулотлари қарвонларини ситдириб қолди. Шаҳарнинг гажум жойларида деҳқонлар қўлобда растачалар ташкил этиб сархил маҳсулотларни сотишмоқда.

Хўш, Тошкент деҳқон бозорларидаги нарх-наво қандай? Шаҳарликлар дастурхонига ўз маҳсулотини тортиш ниятида келган қишлоқдаги биродарларимизга шарт-шароитлар айтилганми? Бозорлардаги санитария ҳолати қай аҳволда? Мухбиримиз шу саволларга жавоб олиш мақсадида шаҳримиз бозорларида бўлди.

Тошкентдаги бозорларнинг сони ўндан ортиқ бўлсада. Эски Жува, Олов, Фарҳод, Қорасув (Қўйлиқ) бозорлари бошқаларидан ириларики билан фарқ қилади. Эски Жува ва Олов бозорлари шаҳар марказида жойлашгани учунми, Тошкент атрофидаги деҳқонларнинг аксарияти ҳам ошш кунлари нисбатан яқинроқ — Фарҳод ва Қўйлиқ бозорларига қаддам равида айланишади. Шунинг учунми, Фарҳод ва Қўйлиқ бозорларидаги нарх-наво шаҳарнинг бошқа бозорларидагига қараганда бирмунча арзонроқ.

Фарҳод бозори аҳоли зич жойлашган Қилонзор ва Акмал Исромов районлари мавзелари орасига жойлашган.

Яқин-яқин кунларгача бу ерда 12—15 сўм бўлган помидор, 10—12 сўм бўлган картошка ва бошқа мева-сабзавотларнинг нархи бу кунларда кескин пасайди. Йетмакет қўтиларда, тоғораларда, қолларда, челақларда келиб турган маҳсулотларни шаҳарликлар ҳам қила олмай қолиши, чоғи, деҳқонларимиз «бор барака» қабилда нарх-наво аниқ арзонлаштиришиди. Фарҳод бозорида помидорнинг бир килоси, тури, нави, каттакичилигига қараб 5—13 сўмини ташкил этмоқда. 6—7 сўмга сархил ўрта катталикдаги шакар-робош помидорни сотиб олсангиз бўлади. Бозордаги расталарнинг юзини тўлдириб турган картошканинг нархи 5 сўмдан 7 сўмгача.

Сабанинг килоси 7—10 сўм. Боғи билан олсангиз, бир боғи — 3—4 сўм. Ирилк қарамларнинг бир килоси 3 сўмдан 5 сўмгача. Тортишсангиз бундан ҳам арзонроққа олишингиз мумкин. Булғор қаламшири энди-энди етилиб келаяпти шеклиди бозорда у қадар кўп эмас, шундан бўлса керак бир килосининг нархи 10—15 сўмдан бўлмоқда. Бодирининг вақти ўтди, шундан унинг нархи май ойидагига нисбатан икки баравар ошиб, бир килоси 15—20 сўмга етган.

Мева бозорида нарх-наво ҳамон баланд. Бир кило олмангиз баҳоси 8 сўмдан 25 сўмгача. Холбуғи ўтган йил шу пайтда 1 сўмга ўрик 20—35 сўм, қора узум — 30—35 сўм, олчаннинг 10 килолик челагини сотувчилар 100 — 120 сўмга баҳолашган. Агар қўнгилага қўйиб қолсангиз, сиз учун 5—10 сўмга пасайтириши мумкин.

Тарвузнинг килоси — 15 сўм, қовунигиз — 30—40 сўм. Муштумдек хандақларнинг донаси

— 7—10 сўм. Хуллас Фарҳод бозоридаги нарх-наво бошқа бозорлардагидек май-июнь ойларига қараганда бирмунча пасайди. Масалан, помидор 2—2,5 барабар, картошка 1,5—2 барабар, сабзи 60—80 фозга, қарам — 100 фозга арзонлашди. Боси шаҳар атрофидаги деҳқонларнинг томорқаларида энг асосий маҳсулотлар аниқ ҳосилга кирди. Боз устига шаҳар бозорларининг асосий таъминотчилари — Бўка, Чиноз, Зангиота, Қибрай районларидаги ижарачиларнинг асосий маҳсулотлари аниқ июль, август ойига мўлжаллаб экилган эмасми, уларнинг бозорга кириб келиши нарх-наво аниқ арзонлаштириб юборди. Нега деганда улар маҳсулотнинг нархи эвазига эмас, миқдори ҳисобига фойда қўришади.

— Растадан жой олиш учун кечқурундан ёхуд эрта саҳардан қаракат қилиш керак, — дейди бўкалик Бобомурод ака. — Менинг укам кеча кечқурун келиб жой эгаллаган эди, акс ҳолда раста ўрғасидаги ердан иш қўришга тўғри келарди.

Бозорга сал кечиккан деҳқонлар, бозорнинг қиёраидаги майдонда ариқ тўлабларига, хуллас, савдо-сотқ учун мўлжалланмаган ерда бозор қилишга тўри. Боз устига баъзилар ўтиш йўлакларини ҳам эгаллаб олишганидан харидорларнинг ҳаракатига халат беришляпти. Акмал Исромов район санитария эпидемиология станцияси ходимлари Фарҳод бозорининг санитария ҳолатига эътибор берадилар фойдалан ҳоли бўлмади. Зеро бозорларимиз нечоғлиқ озода ва саранжом бўлса, сотувчи учун ҳам, харидор учун ҳам шунча яхши.

Шаҳримизнинг яна бир бозори бўлиши «Миробод» бозоридаги нарх-наво ҳам Фарҳод бозоридаги нарх-наводан кескин фарқ қилмайди. Таҳминан бир хил. Фарҳод бозоридагидан фарқли равишда «Миробод» мева расталари сабзавот расталаридан алоҳида-алоҳида жойлашган. Эътиборини шунданки, бугунги кунда ўш мева ва сотувчи деҳқонлар йил ўш икки ой бозорда ўтиридан қуруқ мева ва эгалларини суриб қўйишибди. Бозорнинг бутун майдонини янги узилган мева-сабзавот ва полид маҳсулотлари билан тўлиб кетган. «Миробод» бозорининг яна бир эътиборли томони шунданки, бу ердаги харидорлар орасида йўл-йўлакай республикамизга келган меҳмонлар аксарияти ташкил этади. Бундай харидорларни қўзда тутиб, деҳқонлар ҳам маҳсулотларни қотроқ кутинга жойлаб сотишляпти. Етиб боргунча пишида деган ниятда. Харидорлар мена-ларини асосан кўтара олишляпти. «Миробод»даги санитария ҳолати ҳам бирмунча дурустроқ. Бозор тергаси чоғроқ бўлган учунми вақтида саранжом-сариниша қилинади.

Бозор ичида деҳқонлар учун мўлжалланган меҳмонхона бор. Маҳсулотини сотишга улгурмаган сотувчилар бемалол дам олишлари мумкин. Агар қиёслайдиган бўлсак «Миробод»да деҳқонлар учун яратилган шарт-шароитлар яхшироқ. Шу босими бу бозорга асосан узоқ районлардан келган деҳқонлар кўпроқ келишади.

Саховатли дийримиз неъматларини аниқ тақдир қилган даяр. Шаҳарлик меҳнатқиларининг табиат инъомларидан татиб қўришлари, дастурхонларининг тўқини бўлиши деҳқонларга етарли шарт-шароит яратиши бериши тазво этади. Ҳамма нарса муҳайё бўлса қаддиқ қўлди деҳқон ҳам эмин-эркин савдо-сотқ қилади.

Толб НУРМУҲАМЕДОВ, «Тошкент оқишони» мухбири.

* Ҳам қуласиз, ҳам қулсиз

вақти келмадики! Бевосита шу иш билан шуғуланувчи ташкилот — шаҳар «Водоканал» трестига аризалар билан мурожаат қилганимиз зовет кетмоқда. Қачонгача кечқурунги челақ, бирдон кўтериби пастки қаваат хондорларидан сува ташийми? Халқимизда «Қарс икки қўлда чикади» деган мақол бор. Биз об-ҳаёт бўлган суваинг ҳар бир тоқминининг исроф бўлишига мултоқо йўл қўймайликми керак. Бунда аввало мустақадди ташкилот бўлган шаҳар «Водоканал» трестининг раҳбарлари қайиришлари зарур. Иччиллик суваини исроф қилаётганларга қарши кураш олиб боришим, лозим бўлса жарима солиниши мақсадга мувофиқдир.

Турсунбой СУЛТОНОВ, Навоий номидagi Тошкент Давлат педагогика институтини катта ўқитувчиси.

СОВУҚ СУВ МАСАЛАСИДАГИ СОВУҚҚОНЛИК

яйча кўп қаватли иморатларда истиқомат қилаётган ҳам-шаҳарларимиз бир суткада ўшининг қанақалигидан қатъий назар 270 литр сува сарфлаши керак. Вақоланки, қуйи қаваатларда хонандон эгалери эса 10 литр сува сарф қилади ёки йўқ. Бу адолатданми? Еки баъзан ҳамшаҳарларимиз фақат ўз манфаатларини кўзлаб кечки пайт бўлиб дегунча, ҳамма улар иччиллик суваини зарур бўлган бир вақтда экини ва даракларини суғоришади, ҳовли, қўчаларга ҳуда-беҳуда сува сепишади. Вақоланки, ана шу вақтда юқори қаваатда яшовчи бошқа бир ҳамшаҳар-

ларимиз бир томчи сувага зор бўлади.

БУ МУАММО аниқ йиллардан бери «дамларнинг юқори қаваатларида яшовчи — 5-қўйлиқ маъза аҳолиси хонандон эгаларини ташкилга солиб келмоқда. Бу уйларида 1981 йилдан бери яшоб келамиз. Лекин ана шу йиллар мобайнида қишда иссиқ, ёзда совуқ сувадан аличмаймиз. Баъзан ўйлаб қоламиз: болани бирор ерда аварила қолган вужудга келгандир. Бироқ бу «қолталар» мунтазам содир бўлмайдики.

Ҳар кун Тошкент шаҳрига 2,2 миллион кубометр сува етказиб берилади. Бу ўрта ҳисобда бир киши бошига бир суткада 500 литрга яқин сува сарф бўлади деган сўзлар. Бу наъми аки қўлим! Санитария мавзелари ва қондалари қўлланилиши ўқсангиз, унинг мейёрдан ортиқ эканлигини чашон ҳосил қилсангиз. Шунинг ҳам айтиш керакки, маъёр бў-

* Ишбилармонлик—давр талаби

ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИДА

сий идора, ташкилот, муассасаларда, шу жумладан Ҳамдўстлик мамлакатлари ва хорижда ҳам тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, ишбилармонлар фаолиятини омийи ахборот воситалари орқали тарғиб этиш, шунингдек уюшма кенгашининг қарорига кўра бирлашма аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар қиради.

— Шундай экан кимлар бирлашганимиз аъзолари бўлишлари мумкин ва улар қандай ҳуқуқларга эга бўлишади?

— Бирлашмага фақатгина давлат қорхона ва ташкилотлари эмас, балки ҳусусий тадбиркорлар, турли маъмурият, ҳатто халқ ҳўнамдалари — қосблар, заргарлар, фермерлар, умуман бирлашманинг мақсад ва вазидаларини тан олган ва уларни амалга оширишдан манфаатдор барча қорхона, ташкилот ва шахслар аъзо бўлишлари мумкин.

Бирлашмага аъзо бўлиш учун аъзоллик бадални тўланади. Сунгра микдори шартномада кўрсатилган ойлик бадаллари тўлаб борилади. Энди аъзоларнинг ҳуқуқлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, улар бирлашманинг бошқарув идораларини сайлашда ҳамда унинг турли тадбирларида иштирок этадилар. Шу ўринда битта диққатга молик томони бор. Биз бирлашмага аъзо бўлмаганларнинг ҳам ҳуқуқларини ҳимоя қиламиз, бироқ аъзоларимиз биринчи рабабта ҳимоя этилиш ҳуқуқига эга. Ҳизматини абонент (домий) равишда ва бир марта кўрсатишимиз мумкин. Домийда мижозларимиз ишлари қандай кетаятганини ўзимиз кузатамиз ва мавжуд қонунлар доирасида ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий хизмат кўрсатамиз. Бир марта таликда эса шартномада келишилган маълум ҳақ эвазига мижозларимизнинг поймол этилган ҳуқуқларини тиклашда ёрдам берамиз. Шунингдек, жамиятлар, кичик қорхоналар, ширкатлар тадбиркорлик билан шуғулланишни нистасалар уларнинг инъомлари ва бошқа ҳўжжатларини тайёрлашда ёрдам берамиз.

Бизнинг асосий вазидаларимиздан бири, бу — тадбиркорлик ва ишбилармонлигини тарғиб қилиш, унга кенг йўл очиш. Ахир эркин бозор муносабатларига ўтмасдан, иқтисодий вазидаларини кўтариш учун барча иқтидорли, ишининг кўзини билдирган кишиларнинг жалб этмасдан турлиб таназзулдан чиқа олмаслигини аён.

— Ҳозирнинг ўзидан кимлар бирлашмага аъзо бўлиб қирди? Улар манфаатларини ҳимоя қилиш учун қандай ишлар амалга оширилади?

— Ававало бирлашмаимизда ишлаётган ходимлар ҳақида икки оғиз айтиб ўтмоқчимиз. Катта ҳаётий тақрибга эга ва турли маъмурий идоралар, назорат ташкилотларида раҳбарий ишларда меҳнат қилган, қонун-қоний ва ҳуқуқий инъом билан диган, махсус харобий ва илмий уюшмага эга Н. Расулов, Р. Бекбулатов, В. Ёрочов, О. Зубаров, П. Давочкин, Х. Эмирхонов, С. Шонбозова, Х. Янгибоев ва бошқалар бирлашмаимиз ходимлари сафидан ўрин олишган.

«Нур Анвар» банки (у тасисчи ҳам), «Интер Восток» ташкилоти (иқтисодий уюшмаси), «Делос» савдо-молия компанияси, «Папирус» кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмаси, «Фаолият» иқтис қорхонаси, «Саховат» ҳўжалик ҳисобидиган фирма ҳамда бошқа қорхона ва ташкилотлар бирлашмаимизга аъзо бўлишган.

Энди кейинги пайтда амалга оширган ишларимиз ҳусусида тўхталасак, «Қаршинтор» қорхоний мамлакатлар билан ташқи иқтисодий ҳамкорлик уюшмасига берган ёрдамимиз тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётганимизга яққол мисол бўла олади. Биз қўрган қора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси прокуратури томонидан Қарши шаҳар прокуратурасига ишнинг қонун доирасида адолатли ҳақ этиш тўғрисида топшириқ берилади. Еки «Мадина» иқтис қорхонасини олайлик. Ҳуқуқини муҳофиза қилиш идораларининг айрим ходимлари томонидан ушбу кичик қорхонига нисбатан қилинган ноқўла ҳаракатларнинг олди олиниб, адолат тикланди. Булар, албатта, биринчи қадамларимиз. Ҳозир Тошкент шаҳри ва вилояти бўйича яна тўрта ишда адолат қарор топиши учун қонун доирасида тегишли чоралар кўришимиз.

— Ўзбекистон тадбиркорларига тилакларингиз?

— Ота-боболаримиз Буюк ипақ йўллари орқали бутун дунё билан алоқа қилганлар, улуг бобомиз Бобур эса Ҳиндистонда бетакорр меъморий ёдгорликлар бунёд этгани ва у ерда илм-маърифатни ривожлантиригани барчага аён. Ҳақиқатан ҳам ўзбеклар қадимдан ишбилармон ва тадбиркор халқ. Ҳозир ҳам хорижда жуда кўп тадбиркор ватандошларимиз фаолият кўрсатишти. Очигини айтганда, тадбиркорлар чинакам қўлоқ ёздагидан вақт келди. Истагим чет эллардаги 8 миллионлик ватандошларимиз билан ҳамкорлик қилиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий инқиловларини кўтарсак. Хориқ мамлакатлари билан алоқаларини мустақамлаб, уларнинг сармоясини жалб этиб, маҳсулотлар таннаҳини арзонлаштирсак, шунда нарх-наво ҳам барқарорлашиб, аста-сепини пасайди. Ҳар бир тадбиркор шахсий манфаатини эмас, халқ фаровонлигини ўйлаб қилайми. Мана, «Нур Анвар» банкини олайлик. У Наврўз жамғармасига 1 миллион сўм маблағ ўтказди ва Ҳўк муборак сафарига 120 одамни бевул олиб борди. Ҳозир ҳам мактаблар очини, ногиронларни ҳимоя қилиш, маъзилар қўришга бош қўнган. Бошқа тадбиркорлар ҳам «Исфос сари баранка» қабилда иш тутас.

Найди қишларига, қадимда ҳар бир илмлатга ер аниқ рағбатланда ўзбекларга жой етмай ирин акратган экан. Шунинг учун ҳам туруронта чўш сукасан ушбу қишдагидан Ўзбекистонни жаннатга мон қиш сукасан ушбу қишдагидан ҳар бир тадбиркор, ишбилармон ва қорхона халқимиз маънавияти учун чинакам жон куйдира, ўйлаёмки Ўзбекистонни ҳақиқатан ҳам жаннатга мон ўлгага айлантирган бўлар эдик.

Субботдош ДИШПОД ИСРОИЛОВ.

Шатранж олимпиада

«ЎЗБЕКЧА БОШҚОТИРМА»

ёки жаҳон олимпиадаси вице-чемпионлари

Республикамиз Президентини Ислом Каримов...

лан мукофотландилар. Мукофотландилар орасида республикамиз шахмат жамоаси...

— Сергей Тимофеевич, АКШ жамоаси билан бўлган учрашувдаги маълумот...

— Сергей Тимофеевич, Маннилага жамоамиз қандай ниятлар билан йўл олганди...

— Мустақил жамоа сифатида биринчи марта дунё миқёсдаги мусобақага қатнашимиз...

— Мусобақа давомида анча кучли ҳисобланган болгар жамоасини енгиб, оқтолар сонини 12 тага етказганимиз...

— Англия шахматчилари билан учрашганимиздан сўнг хоризк матбуотда анча шов-шув кўтарилди...

— Шахматчиларимиз бундай катта галабага эришди...

— Сергей Тимофеевич, АКШ жамоаси билан бўлган учрашувдаги маълумот...

— Шахматчиларимиз бундай катта галабага эришди...

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОМЛАР

КИТОВСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА

«Тошкенткитоб» шахар китоб савдоси идорасининг Абдулла Қодирий кўчаси, 7-уйда жойлашган...

БУЮРТМАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ босма маҳсулотларнинг қуйидаги турлари бўйича...

АЛМАШТИРАМАН

Марказ-14, Марказ-15 мавзелида жойлашган иккита икки хонали квартираларни шахар марказидаги 4—5 хонали уй...

СОТИЛАДИ

Дала ҳовли ва асарлари боқинига мослаштирилган тиркагич (прицеп) сотилади. Телефонларимиз: 24-88-46, 34-14-47.

ИҲҚОЛГАН

РСШИ томонидан 1991 йили Юнусов Улуғбек номига берилган № 500589 рақамли йўлдан аттестат БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шахар халқ таълими Бош бошқармаси ТОШКЕНТДАГИ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ НЕГИЗИДАГИ

48-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

хотин-қизлар, эркаклар ва болаларнинг устки кийимларини тикши бўйича моҳир чевар бўлишни, бичқичи, тикувчи касбларини эгаллашни хоҳлайдиган 9—11-синф битирувчиларини

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

9-синфни битирганлар 3 йил ўқиб, яқка тартибда «кийим тикувчи» ва «чевар» (машиначи) сингариникита турдош касб бўйича малака эгаллайдилар.

Бир вақтнинг ўзида 2 йил мобайнида тўлиқ ўрта маълумот олмоқчи бўлганларга махсус суҳбат асосида тажрибавий гуруҳларга қабул қилинадилар.

Бутун ўқиш даврида ўқувчиларнинг кийим-кечак, овқат ва ҳар ойда 40 сўм миқдоридagi стипендия билан ижтимоий таъминланганини билим юрти ўз зиммасига олади.

11-синфни битирганлар 8 ой ўқиб, «бичқичи» ва «тикувчи» сингариникита турдош касб бўйича малака эгаллайдилар. Уларга 262 сўм 50 тииндан стипендия тўланади.

Барча ўқувчиларга ишлаб чиқариш амалиётини ўташ даврида 50 фоз иш ҳақи ва ҳар кун 5 сўмлик қўшимча овқат пули берилади. Ўқиш даври меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади, ўқишни битирганлар Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси база корхонасига ишга жўриладилар.

Билим юртини иштироки билан битирганларга олий ўқув юрлари ва техникумларга кириш учун йўллама берилади.

Қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: директор номига ариза, турилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, тиббий маълумотнома, ота-онасининг иш жойидан ва туғар жойидан маълумотнома, 3х4 см. катталиктидаги 4 та фотосурат.

БИЛИМ ЮРТИ МАНЗИЛИ: Тошкент шаҳри, 61-алоқа бўлими, Чехов кўчаси 5 «а» уй (1, 2, 5, 8, 9, 24, 26-трамвайлар; 1, 5, 8, 17, 10, 20-троллейбуслар; 2, 3, 60, 71, 80, 98-автотўловларнинг «Қизил тонг» бирлашмаси» бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИНИНГ ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1992—1993 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Хуна-техника билим юрти қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди: радиотелевизион аппаратларини ремонт қилувчи механик, яқка тартибда моделли оёқ кийимларини тикувчи косиб, котиба-машинистка, устки кўйлақларни тикувчи чевар, бюджет ташкилотлари учун санавтада бухгалтерлик ҳисоби бўйича бухгалтер, тўқувчи.

Ўқиш муддати — 10 ой. Ўқишга 16 ёшдан 45 ёшгача бўлган ногиронлар, шунингдек ногиронларнинг 16 ёшдан 20 ёшгача бўлган фарзандлари ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларнинг шу ёшдаги аъзолари қабул қилинади.

Аризаларга қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топшириш лозим: маълумоти ҳақида ҳужжат, турилганлиги ҳақида гувоҳнома, туғар жойидан маълумотнома, район ижтимоий таъминот бўлимининг йўлланмаси, саломатлиги ҳақида 086/У шаклдаги маълумотнома, (ногиронлар ВТЭК маълумотномасига меҳнат таъсирномасини илова қиладилар), 3х4 см. йлчамли олти дона сурат. Ҳужжатлар 30 августга қабул қилинади.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади. Дарсларни ўзлаштирувчи ўқувчиларга стипендия тўланади.

Ўқиш муддати меҳнат фаолиятига қиради. Ўқувчилар ётоқхона билан таъминланмайди. Мурожаат қилиш учун манзилнома: Тошкент шаҳри, Ўқчи кўчаси, Пеньков боши берк кўчаси, 107 «а» уй (2, 7, 14, 12-троллейбуслар; 13, 51-автотўловларнинг «Ўзбекистон» бекати, метронинг «Халқлар Дўстлиги» станцияси. «Киночилар уйи» ёнида.





Сиз энг арзон автотранспорт хизматларидан фойдаланмоқчимисиз? Агар шундай бўлса, ўзингизнинг қимматли вақтингизни автотранспорт агентлиги, қабул пунктларига бориб буюртма расмийлаштириш учун бехудага кетказиб ўтирмасдан, «Ташгортрансэкспедиция» ташкилотининг 96-16-20, 96-19-32 телефон рақамларига кўнги...

«ТАШГОРТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» корхоналар, ташкилотлар, кооперативлар, кичик ва қўшма корхоналар, фирмалар билан энг арзон нархларда сифатли автотранспорт хизматларини кўрсатиш юзасидан шартнома тузиш, шунингдек турли марказлардаги автомобилларнинг энг арзон нархларда ижарага бериш имкониятига эга.

«ТАШГОРТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» вакилини шартнома тузиш ва тўлов қоғозларини ёзиб бериш учун ишонангизга чақиртирмоқчи бўлсангиз 96-16-20, 96-19-32 телефонларига мурожаат қилишингиз мумкин.

«ТАШГОРТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» хизматларидан фойдаланиш! Бу — ҳар хил иштирослашган марказлардаги энг арзон автотранспорт, юксак малакали ҳайдовчилар ва юк ташувчилар демакдир. Бунда Сиз мутлақо ютказмайсиз ва бизнинг хизматларимиздан мамнун бўлиб қоласиз.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек райони, Аэродром кўчаси, 5-уй. ТЕЛЕФОНЛАР: 96-16-20, 96-19-32.



да Загребельнийнинг матонатини алоҳида тилга олиб ўтиш даркор деб биламан. Бу ўйинда уч лартия йўналган, ҳисоб 1.5:1.5 эди. Рақиб томонидан дурранга таклиф тузилди. Сергей менга маслаҳат берди. Мен ўз фикримни айтди, охири сўз ўзида қолганини билдирдим. У ўйинини давом эттиришга ҳақ қилди. Кўп мутахассислар бу жуда хавфли эканини эътироф этадилар. Аммо Сергейнинг қўли баланд келиб биз учун жуда муҳим бир очирни кўлга киритди.


У сафдошларининг галабага бўлган иштирокини кўлаб жуда кўп ўйин кўрсатди ва муҳим очирни кўлга киритди. Мусобақа давомида Сайдали тўрт имкондан иккинчиси очирни жамгарди. Биз гурани шахматчилари устидан жуда муҳим галабани кўлга киритиб 3:1 ҳисобида голлиб чиқиди ва турнир жадалидидаги маънавийни анча мустақамлаб олди. Бизга жаҳон олимпиадаси давомида Арманистон шахматчилари рақобатчилик қилдилар десам ҳато бўлмайди. Бирок, айнан арман шахматчиларини 2,5:1,5 ҳисобида мағлуб этиб иккинчи ўринга чиқиб олди.

ҳам кўрсатиб турибди. Суҳбатдош Сунпат АЗМАРОВ.

СУРАТЛАРДА: 1) Вице-чемпионларни кутлов пайти; 2) Жамоамиз аъзоси грессмейстер Валерий Логинов; 3) Шахматчиларимиз устози Сергей Пинчун.

Андрей Пинченок суратлари.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

Манзилгоҳимиз: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун 10:00 да чикади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-33-76, хатлар — 32-29-70, 32-33-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича — 32-81-42, 32-55-34, 32-56-87.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғриллиги учун навбордини уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.